

Абдурахманова
УР-гап ТАР-га

18.01.22г

Б. Озидов
УР-гап Т. га
18.01.22г

Газли нефт ва газ казиб чиқариш
бошкарма директори
Х.Р. Назировга
Бош механик
З.Ж. Ҳожиев
томонидан

БИЛДИРГИ

Ушбуни ёзиб шуни маълум қиламанки, ишлаб чиқариш зарурияти туфайли кора металл парчаларини топшириш учун 18.01.2022 йилги №3703-033 сонли шартномани электрон сайтда рўйхатдан ўтказиш учун (xarid.uzex.uz/home) тегишли бўлимларга йўналтириб амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Илова: 4 вароқ.

Бош механик



З.Ж. Ҳожиев

6x91
18.01.22

«TASDIQLAYMAN»



Komissiya raisi

X.R. Nazirov

2022 y.

**«Gazli neft va gaz qazib chiqarish» boshqarmasi
komissiyasiya a'zolari majlis bayonnomasining
3 qarori**

Gazli sh.

«17» «01» 2022 y

Majlis raisi: X.R. Nazirov – Gazli NGQCh boshqarma direktori

Majlis qatnashchilari: G'.Y. Temirov, Sh.S. Shoimov, L.B. Abduraxmonov, Sh.J. Kurbonov, B.K. Qodirov, F.F.Hamroev, J.P. Ro'zmetov, Z.J.Hojiev, A.R. Shomurzayev, S.N. Umirov, X.T.Rajabov, J.E. Safarov, S.A.Halilov, J.M.Abdullayev, A.Z. Toirov

KUN TARTIBI:

Gazli neft va gaz qazib chiqarish boshqarmasiga belgilangan qora metal parchalarini topshirish bo'yicha

Kun tartibiga qo'yilgan masala bo'yicha Bosh mexanika bo'lim boshlig'i Z.J.Hojiev so'zga chiqib O'zbekiston Respublikasi Bosh vazir o'rinbosari - iqtisodiy taraqqiyot va kambag'allikni qisqartirish vaziri raisligida, Iqtisodiy taraqqiyot va kambag'allikni qisqartirish vazirligi Hay'atining 2021 yil 30 dekabrda 11 sonli yig'lish bayoni topshiriqlarini va «O'zbekneftgaz» AJ boshqaruv raisining 10.01.2022 yildagi №10 buyrug'i va «O'zbekneftgaz» AJ boshqaruv raisi o'rinbosarining 11.01.2022 yildagi №04-29/01-608 ijrosini ta'minlash maqsadida Gazli neft va gaz qazib chiqarish boshqarmasiga belgilangan 470,0 tn qora metal parchalarini topshirish uchun shartnoma rasmiylashtirish masalasini aytib o'tildi.

Yuqorida ko'rsatib o'tilganlarni inobatga olgan holda «O'zbekiston metallurgiya kombinati» AJ bilan shartnoma tuzish. Asos sifatida xaridlar to'g'risidagi №684 qonunning 9 bob 71 moddadning ikkinchi bandiga asosan yagona etkazib beruvchi restorda mavjudligi sababli komissiya a'zolari ishlab chiqarish zaruriyati tufayli boshqarma tasarrufidagi kon, sex, majmualardagi qora metal parchalarini topshirish uchun «O'zbekiston metallurgiya kombinati» AJ bilan shartnoma tuzish maqsadga muvofiq ekanligi to'g'risidagi xulosaga kelindi.

Doimiy harakatdagi komissiyasi ovoz berish yo'li orqali

QAROR QILADI:

1. Boshqarmaga qarashli kon, sex, majmulardagi qora metal parchalarini topshirish uchun "O'zbekiston metallurgiya kombinati" AJ bilan shartnoma tuzilsin va shu asosda ish olib borilsin.
2. Shartnomaga ilova qilingan xujjatlarning o'z vaqtida tayyorlanishini va bajarilishi – jamiyat bosh mexanigi Z.J.Hojiev zimmasiga yuklatilsin.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 5 dekabrda PQ-4544-son qaroriga asosan bayonnoma va shartnoma nusxasi belgilangan muddatda (xarid.uzex.uz/home) elektron savdoga qo'yilishi – xaridlar bo'limi boshlig'i v.v.b. B.B.Obidov zimmasiga yuklatilsin.
4. Tuzilayotgan shartnomaning O'zbekiston Respublikasi qonunlari asosida bo'lishi – Bosh huquqiy maslahatchisi B.K. Qodirov tomonidan ko'rib chiqilsin.
5. Tuzilgan shartnomaning ijrosini nazorat qilish Gazli NGQCHB bosh muxandisi G'.Y.Temirov zimmasiga yuklatilsin.

G'.Y. Temirov

L.B. Abduraxmonov

B.K. Qodirov

J.P. Ro'zmetov

A.R. Shomurzayev

X.T.Rajabov

S.A.Halilov

A.Z. Toirov

Sh.S. Shoimov

Sh.J. Kurbonov

T.F.Hamroev

Z.J.Hojiev

S.N. Umirov

J.E. Safarov

J.M.Abdullayev

Komisiya kotibi

Obidov B.B.

**Қора металл парчалари ва чикиндиларини
етказиб бериш бўйича
ШАРТНОМА № 3703-033**

Бухоро ш.

« 18 » 01 20 22 йил

Бир томондан “Ўзметкомбинат” АЖ номидан, кейинги ўринларда “Тайёрловчи” деб номланувчи, 2021 йил 22 декабрдаги 01-1/2827 - сонли Ишончнома асосида фаолият олиб боровчи бошқарув раисининг 1-ўринбосари – ижрочи директор Ахмедов Д.Т. шахсида ва иккинчи томондан “Ўзбекметалл” А.Ш., кейинги ўринларда “Парчаларни топширувчи” деб номланувчи, Ҳазрат Н.Т.Қ.Б. асосан фаолият олиб боровчи Назирова Х.Р., биргаликда – “Томонлар”, алоҳида эса – “Томон” деб номланувчи, қора металл парчалари ва чикиндиларини (матн давомида – Металл парчалари) етказиб бериш бўйича мазкур шартномани (матн давомида - Шартнома) туздилар.

1. АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

Мазкур шартномада келтирилган атамалар, агар контекст бошқача талаб қилмаса қуйидаги мазмунга эга ва унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

“Иккиламчикораметалл” филиали (матн давомида – ИКМ) – Тайёрловчининг Металл парчаларини қабул қилиш учун масъул бўлган таркибий бўлинмаси.

Металл парчалари — қора металл парчалари (иккиламчи), чикиндилари, таркибида қора металл ва уларнинг қотишмалари мавжуд бўлган яроқсиз ҳолга келган ёки ўз истеъмол хусусиятларини йукотган маҳсулотлар, товарлар, қора металл ва уларнинг қотишмаларидан маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган чикиндилар, шунингдек, кўрсатилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида юзага келган тўғридаб бўлмас яроқсиз маҳсулот.

Металл парчалари ифлосланиши — эритиладиган металлнинг сифатига салбий таъсир қилувчи ва навбатдаги қайта ишловга яроқсиз, қуйиб бўлган, кислота билан едирилган, занг копламаси кўринишидаги ифлосланган жисмлар ҳамда қоришмалар.

Зарарсиз қоришма — эритиладиган металлнинг сифатига салбий таъсир кўрсатмайдиган қоришмалар. Зарарсиз қоришмаларга намгарчилик, тахта, тупроқ, мато, кум ва бошқа шунга ўхшаш қоришмалар ҳисобланади.

Парчаларни топширувчилар — Тайёрловчига Металл парчаларини топшираётган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар юридик шахслар.

2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Мазкур Шартнома, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 июндаги “Рангли ва қора металл парчалари, чикиндилари билан ишлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари



тўғрисида”ги 425-сонли Қарорига мувофиқ, Тайёрловчи ҳамда Парчаларни топширувчи ўртасида Металл парчаларини етказиб бериш масаласига доир муносабатларни тартибга солади.

2.2. Парчаларни топширувчи Металл парчаларини Тайёрловчининг омборига _____ филиалининг участка ва цехларига етказиб бериш мажбуриятини, Тайёрловчи эса ушбу Шартнома шартларига мувофиқ қабул қилиш ва тўлаб бериш мажбуриятини олади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Парчаларни топширувчининг ҳуқуқлари:

3.1.1. Парчаларни топширувчи ушбу Шартнома шартларига мувофиқ етказиб берган Металл парчалари ҳажми учун ўз вақтида ҳисоб-китобни амалга оширилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

3.2. Тайёрловчининг ҳуқуқлари:

3.2.1. Тайёрловчи вужудга келган бозор конъюктурасини инобатга олган ҳолда, Парчаларни топширувчи томонидан етказиб бериладиган Металл парчаларига бир томонлама нарх белгилаш ҳуқуқига эга.

3.2.2. Етказиб берилган Металл парчаларининг ифлосланиш даражаси рухсат этилган меъёрдан ошиб кетган тақдирда Парчаларни топширувчига нисбатан жарима белгилаш ва қўллаш ҳуқуқига эга.

3.2.3. Мунтазам асосда Металл парчалари ҳосил бўладиган Парчаларни топширувчига бепул асосда, Металл парчаларини йиғиш ва Тайёрловчига етказиб бергунга қадар сақлаш учун контейнерлар, урналар, қутилар ва бошқа воситаларни вақтинча фойдаланишга бериш.

3.3. Парчаларни топширувчининг мажбуриятлари:

3.3.1. Парчаларни топширувчи 2022 йил давомида, ГОСТ 2787-2019 давлат стандартига мувофиқ ёнғин ва портлашдан хавфсиз бўлган, кимёвий ва радиоактив материаллардан зарарсизлантирилган, ПА-25, ПА-26, ПА-27, ПА-28, ПА-29 ва ПА-30 турдаги Металл парчаларидан ташқари, умумий миқдори _____ тонна, ҳар ойда _____ тоннадан топширишга мажбур. Металл парчаларининг 1 (бир) тоннаси учун Тайёрловчи томонидан ўрнатилган нархи 1 740 000 (бир миллион етти юз қирқ минг) сўмни ҚҚСсиз, 2 001 000 (икки миллион бир минг) сўмни ҚҚС билан ташкил қилади.

3.3.2. Тайёрловчига ташиш, қайта ишлаш ва эритиб қуйиш учун хавфсиз ҳолатда бўлган Металл парчаларини етказиб бериш.

3.4. Тайёрловчининг мажбуриятлари:

3.4.1. Тайёрловчи мазкур Шартнома шартларига мувофиқ, Парчаларни топширувчи томонидан етказиб берилган Металл парчаларини қабул қилиш ва етказиб берилган Металл парчалари учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш мажбур.



4. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Етказиб бериладиган Металл парчалари (ПА-25, ПА-26, ПА-27, ПА-28, ПА-29 ва ПА-30 турларидан ташқари) ГОСТ 2787-2019 талаблариги мос бўлиши лозим.

4.2. Металл парчалари етказиб бериш жараёнида Тайёрловчининг қабул қилиш пунктига қадар бўлган транспорт харажатлари тўлалигича Парчаларни топширувчи томонидан тўланади.

4.3. Етказиб бериладиган Металл парчалари, топшириш жойида миқдори ва сифати бўйича Тайёрловчининг темир йўл ва автомобиль тарозиларида қабул қилинади ва натижаси Тайёрловчи томонидан тасдиқланган қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирилади. Металл парчаларини қабул қилиш-топшириш далолатномаси уч нусхада тузилади, уларнинг иккитаси Тайёрловчида қолади, учинчиси нусхаси Парчаларни топширувчига берилади.

4.4. Қабул қилиш – топшириш далолатномаси, ҳисоб-китобни амалга ошириш учун асос бўлади.

4.5. Металл парчаларининг миқдори (вазни) ва тавсифи қабул қилиш-топшириш далолатномасида қайд қилинади. Металл парчаларининг таркиби, ўлчамлари, оғирлиги, зичлиги, ифлосланишини ГОСТ 2787-2019 давлат стандартининг 7.3.2 бандига мувофиқ транспорт воситасидан юкни тушириш жараёнида визуал тарзда Тайёрловчи томонидан баҳоланади.

Топшириладиган Металл парчаларини қабул қилиш, ҳар бир туркум бўйича брутто оғирлиги ва транспорт воситаси, идиши ва ифлосланганлиги ўртасидаги фарк сифатида аниқланадиган нетто оғирлиги бўйича амалга оширилади.

4.6. Парчаларни топширувчи томонидан, ёнгин ва портлашдан хавfli бўлган, кимёвий зарарланган, радиоактив Металл парчаларини етказиб бериш таъқиқланад ва шундай ҳолатлар аниқланган тақдирда, зудлик билан етказиш ҳажмларидан ажратиб олиниб амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда йўқ қилинади.

4.7. Таркибида темир миқдори кам бўлган (ПА-25, ПА-26, ПА-27А, ПА-28, ПА-29 ва ПА-30 турдаги) Металл парчалари етказиб берилганда ушбу турдаги Металл парчалари вазни умумий топширилган вазндан чегириб ташланади. Умумий топширилган вазндан чегириб ташланган Металл парчалари Тайёрловчига беғараз ўтказиб берилади.

Металл парчаларини турлари бўйича қабул қилишда баҳсли вазият юзага келганда, Металл парчалари Парчаларни топширувчи вакили иштирокидаги комиссия томонидан қабул қилинади.

4.8. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Парчаларни топширувчи томонидан Металл парчаларини Тайёрловчи (“Ўзметкомбинат” АЖ ва унинг таркибий бўлинмаси – “ИКМ” филиаллари)дан бошқа истеъмолчиларга топшириши таъқиқланади.



5. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Қабул қилинган Металл парчалари учун тўлов қабул қилиш – топшириш далолатномасига асосан, бозор конъюктураси ҳисобидан шаклланиб, Парчаларни топширувчи томонидан Металл парчалари топширилган вақтда амалда бўлган нархлар бўйича, Тайёрловчи томонидан пул маблағлари орқали амалга оширилади. Металл парчалари учун тўлов, қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирилган вақтдан 90 кун давомида амалга оширилади.

5.2. Парчаларни топширувчи Тайёрловчига давлат солиқ идорасидан кўшимча қиймат солиғи тўловчиси эканлигини тасдиқловчи маълумотномани тақдим қилади.

5.3. Парчаларни топширувчига Тайёрловчи томонидан Металл парчалари учун тасдиқланган нархлар тақдим этилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар, мазкур Шартномага мувофиқ ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажаришга қафолат беради.

6.2. Парчаларни топширувчи Металл парчаларини келиб чиқишига тўлиқ жавобгардир.

6.3. Парчаларни топширувчи, Металл парчаларини етказиб бериш муддатини кечиктирган тақдирда, Тайёрловчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмини 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Металл парчалари қийматининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.4. Тайёрловчи етказиб берилган Металл парчалари учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаган тақдирда, Парчаларни топширувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов қисмининг 0,1 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.5. Парчаларни топширувчи томонидан ифлосланиш даражаси юқори бўлган Металл парчалари етказиб берилганда, Тайёрловчи Парчаларни топширувчига нисбатан қуйидаги жарима турларини қўллайди:

6.5.1. Топширилган Металл парчаларининг ифлосланиш даражаси умумий топширилган Металл парчалари ҳажмидан 10-20 фризгача ташкил этган тақдирда, топширилган Металл парчалари қийматининг 40 фоизи миқдорда жарима ундирилади;

6.5.2. Топширилган Металл парчаларининг ифлосланиш даражаси умумий топширилган Металл парчалари ҳажмидан 21-30 фоизгача ташкил этган тақдирда, топширилган Металл парчалари қийматининг 60 фоизи миқдорда жарима ундирилади;

6.5.3. Топширилган Металл парчаларининг ифлосланиш даражаси умумий топширилган Металл парчалари ҳажмидан 31-40 фоизгача ташкил этган тақдирда, топширилган Металл парчалари қийматининг 80 фоизи миқдорда жарима ундирилади;

6.5.4. Топширилган Металл парчаларининг ифлосланиш даражаси 41 фоиз ва ундан юкори кўрсаткични ташкил этган тақдирда, Тайёрловчи топширилган Металл парчалари хақини тўлаб бермаслик ҳуқуқига эга.

6.6. Мазкур Шартномада назарда тутилмаган ҳолатлар бўйича, Томонлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий ҳуқуқий базаси” тўғрисидаги Қонуни ва амалдаги бошқа қонун ҳужжатларини қўллаш ҳуқуқига эга.

7. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ

7.1. Мазкур Шартнома Томонларнинг келишуви билан бекор қилиниши мумкин.

7.2. Мазкур Шартнома, қуйидаги ҳолатларда Тайёрловчи томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин:

7.2.1. Парчаларни топширувчи томонидан Металл парчаларини учинчи шахсларга топшириш ҳолати ёки шахсий металл қуйиш цехида фойдаланилганда, бу ҳолатда Шартнома шартлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини бузганлиги учун Парчаларни топширувчига тўланадиган пул миқдори ушлаб қолинади;

7.2.2. Ёнгин ва портлаш хавфи мавжуд бўлган, кимёвий, радиоактив, зарарланган Металл парчалари, шунингдек таркибида темир миқдори кам бўлган ПА-25, ПА-26, ПА-27, ПА-28, ПА-29 ва ПА-30 турдаги Металл парчалари етказиб берилганда;

7.2.3. Ифлосланиш даражаси 10 фоиз ва ундан юкори бўлган Металл парчаларини бир неча марта етказиб берилганда.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Шартномага киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, ёзма равишда тузилган ва Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирдагина ҳақиқий деб ҳисобланади.

8.2. Енгиб бўлмас кучлар таъсири оқибатида мазкур Шартнома шартларини қисман ёки тўлиқ бажаришни имконияти бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда, Томонлар жавобгарликдан озод қилинади (форс-мажор).

8.3. Мазкур шартнома “Томонлар”га бир нусхадан, икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга.

8.4. Мазкур Шартномани тузиш Томонларнинг ёки улардан бирининг факсимил имзоси қўйилган jpeg ёки pdf форматдаги скан нусхасини юбориш орқали амалга оширилиши мумкин. Шу тарзда имзоланган ва юборилган ҳужжатлар Томонларнинг ўз қўллари билан имзолаган Шартноманинг асл нусхаларига тенг деб тан олинади.

8.5. Мазкур Шартнома ижроси доирасида томонлар ўртасида низо вужудга келган тақдирда, низоли масала Томонлар томонидан музокара йўли билан ҳал қилинади. Низо юзасидан музокара йўли билан келишувга эришилмаган тақдирда, Бекобод туманлараро иқтисодий сули томонидан ҳал қилинади.

8.6. Томонларнинг юридик манзили ёки тўлов реквизитлари ўзгарган тақдирда, уларнинг ҳар бири 3 (уч) календарь иш кунида бир-бирини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

8.7. Мазкур Шартнома Томонлар имзолаган кундан кучга кирази ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади, ўзаро ҳисоб-китоби эса – Томонларнинг мажбуриятларни тўлик бажарилгунига қадар.

9. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОСИ:

ТАЙЁРЛОВЧИ

Юридик манзили: 110502,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент
вилояти,
Бекобод шаҳри, Сирдарё кўчаси 1-уй
СТИР: 200 460 222, ОКПО: 00186200
Банк реквизитлари:
АТИБ “Ипотека банк” Бекобод шаҳар
филиали, МФО: 00489
х/р 20210 00080 04681 83001

**ПАРЧАЛАРНИ
ТОПШИРУВЧИ**

АО „Ўзбекнефтегаз“
Газийское ИҚДУ
2 Тошкент ул. Истикбол-24
Дунабадский филиал
ЎЗПСБ МФО: 00432
РС: 2021 0000 0001 2433 8037
ИНН: 200937814
ОКЭД: 84111



[Handwritten signature]

Д.Т.Ахмедов



[Handwritten signature] Х.Р.Козиров

[Handwritten signature]



[Handwritten signature]